O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

«Таълим соҳасидаги миллий дастурларни ҳаётга татбиқ этиш бошланганидан буён 1 минг 140 тага яқин академик лицей ва касб-ҳунар коллежи, 4 минг 680 тадан зиёд умумтаълим мактаби янгитдан қурилди ва капитал таъмирланди, замонавий мебель, ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланди...».

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 6-sentabr • Payshanba • 110 (27.755) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Мамлакатимиз Мустақиллигининг 16 йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги 144-мактабнинг капитал таъмирланган замонавий биноси фойдаланишга топширилди.



ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ — ЯНГИ МАКТАБДА

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тантанали маросимда ўқитувчи ва ўқувчилар, ота-оналар, жамоат ташкилотлари, маҳаллалар вакиллари иштирок этди.

Тадбирда 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига мувофиқ, мамлакатимизда таълим муассасаларини қуриш, капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди. Ушбу мактабдаги капитал таъмирлаш ишлари ҳам мазкур давлат дастури доирасида «Меҳр нури» нодавлат нотижорат жамоатчилик хайрия жамғармаси ҳомийлигида амалга оширилди.

Мактаб қулай ва сифатли мебель жиҳозлари, ўқув-лаборатория асбоблари, компьютер техникаси, зарур кўлланма ва кўргазмали воситалар билан таъминланди. Бу ерда ўқувчиларнинг замон талаблари даражасида таълим олиши учун барча шарт-шароит яратилган. Спорт зали, ошхона, мажлислар зали, компьютер хонаси, кимё ва физика фанлари учун лабораториялар ўқувчилар ихтиёрида.

(ЎзА)

Суратларда: ўқувчиларнинг қувончи чексиз; янги мактабнинг ички ва ташқи кўринишидан лавҳалар.

Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

Тошкент шаҳрида Сингапур менежментни ривожлантириш институти фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида

Илғор халқаро таълим стандартлари даражасида юқори малакали мутахассислар тайёрлашни яна да ривожлантириш ва такомиллаштириш, ёшлар, айниқса мамлакат минтақаларидан бўлган ёшларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш ва ундан самарали фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиш, олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида:

1. Тошкент шаҳрида Сингапур менежментни ривожлантириш институтини (бундан буён матнда — Институт деб юритилади) ташкил этиш тўғрисида Сингапур менежментни ривожлантириш институти (Сингапур Республикаси) ҳамда Ўзбекистон Банклар уюшмасининг таклифи қабул қилинсин.

Белгилансинки, мазкур Институт Сингапур менежментни ривожлантириш институти (Сингапур Республикаси) ва Ўзбекистон Банклар уюшмаси томонидан таъсис этиладиган олий ўқув юрти ҳисобланади.

Институтни ташкил этиш бўйича ташкилий комиссиянинг таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Олий таълим сифатига нисбатан қўйиладиган умумэътироф этган халқаро талабларга, Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мақсад ва вазифаларига мувофиқ, «Банк иши», «Бизнесни бошқариш», «Туризм» ва «Бизнесда замонавий ахборот технологиялари» йўналишлари бўйича бакалавриат (кейинчалик магистратура) тизими асосида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг асосий вазифаси деб ҳисоблансин.

3. Қуйидагилар белгилансин:

мазкур Институтнинг фаолиятига ўқув-услубий раҳбарликни Сингапур менежментни ривожлантириш институти (Сингапур Республикаси) бакалавриат ва магистратура тизими бўйича кадрлар тайёрлашнинг умумэътироф этган халқаро стандартларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширади;

абитуриентларни қабул қилиш ҳамда битирувчиларни аттестациядан ўтказиш Сингапур менежментни ривожлантириш институти (Сингапур Республикаси) томонидан ўрнатиладиган тартиб ва муддатларда амалга оширилади;

Институтда ўқиш Сингапур менежментни ривожлантириш институтида (Сингапур Республикаси) қабул қилинган нормалар, таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ кундузги таълим шаклида олиб борилади.

4. Белгилансинки:

Институтда ўқиш тўлов-контракт асосида, шу жумладан, Сингапур менежментни ривожлантириш институти (Сингапур Республикаси), Ўзбекистон Банклар уюшмаси, тижорат банклари таъсис этадиган махсус таълим грантлари бўйича, шунингдек ҳомийларнинг ёшларни, асосан мамлакат минтақаларидан бўлган ёшларни ўқитишга ажратиладиган маблағлари ҳисобидан олиб борилади;

Институтнинг жорий фаолиятини молиялаштириш Сингапур менежментни ривожлантириш институти (Сингапур Республикаси) маблағлари, шунингдек талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитиш учун тушадиган маблағлар, хорижий ва миллий ҳомийларнинг, Ўзбекистон Банклар уюшмаси ва тижорат банкларининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

5. Институт битирувчиларига, 2-иловага мувофиқ, тегишли таълим йўналишлари бўйича Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг (Сингапур Республикаси) шерикларидан бўлган етакчи халқаро олий таълим муассасаларидан бирининг дипломи берилиши, бу диплом Ўзбекистон Республикасида олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат сифатида эътироф этилиши маълумот учун қабул қилинсин.

6. Ўзбекистон Банклар уюшмаси Сингапур менежментни ривожлантириш институти (Сингапур Республикаси), Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда:

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

5 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президенти Девонининг Ўзбекистон Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган асосий вазифаларни муҳокама қилдилар. Мажлисда сўзга чиққан барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари давлатимиз раҳбарининг маърузасида Ўзбекистон мустақиллигининг ўн олти йили давридаги тарихий ўзгаришлар чуқур ва батафсил таҳлил этилганлигини, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг, мамлакатда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий вазифалари ва устуворликлари белгилаб берилганлигини таъкидладилар.

Сўзга чиққан депутатлар давлатимиз раҳбарининг маърузасида баён этилган қоидалар ва хулосаларни чуқур ўрганиш ҳамда мушоҳада қилиш зарурлигини қайд этиб ўтдилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан баён этилган хулосалар, белгилаб берилган мақсад ва вазифалар асосида Қонунчилик палатаси қўмиталарининг қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолиятини такомиллаштириш муҳимлиги, қонун лойиҳаларини тайёрлаш, улар устида атрофлича иш олиб бориш ва уларни турли семинарларда, давра суҳбатларида кенг муҳокама қилишда сиёсий партиялар фракцияларининг ролини ошириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Депутатларга сайловчилар билан учрашувларда мамлакатимиз босиб ўтган мустақил тараққиёт йўлининг, халқимиз мустақиллик йилларида эришган ютуқларнинг моҳияти, мазмуни ва аҳамиятини, ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида жамиятимиз олдида турган вазифаларни кенг тушунтириб бориш, бу ишда оммавий ахборот воситаларининг имкониятларидан самарали фойдаланиш топширилди. Сиёсий партиялар фракцияларига фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш бўйича ишларни кучайтириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашиш тавсия этилди.

Бўлиб ўтган муҳокама якунлари юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси тегишли қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлиси 2007 йил 6 сентябрь куни давом этади.

(ЎзА)

Сеулда Ўзбекистон мустақиллиги кунига бағишланган қабул

Сеулда Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллиги муносабати билан тантанали қабул маросими бўлиб ўтди. Унда Миллий ассамблея депутатлари, Корея Республикаси ҳукуматининг аъзолари, маҳаллий бошқарув идоралари, етакчи иқтисодий ташкилот ва компаниялар, Корея пойтахтида аккредитациядан ўтган дипломатия миссиялари ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари, жамоат ташкилотлари вакиллари ва журналистлар иштирок этди.

Маросим Ўзбекистоннинг Корея Республикасидаги элчиси Виталий Феннинг меҳмонларга табрик сўзи билан очилди. У мустақиллик йилларида республикамизда қўлга киритилган асосий ютуқлар, Президент И.Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳот ва ўзгаришларнинг мазмун-моҳияти, Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари хусусида атрофлича тўхталди.

Корея Республикаси Меҳнат, режалаштириш ва бюджет вазири Чанг Пёнг-вон ўз чиқишида Президент И.Каримов раҳбарлигида жамиятни демократлаштириш ва иқтисодиётни модернизациялашда мамлакатимиз эришаётган ютуқларни Корея раҳбарияти ва халқи чуқур қониқиш билан қайд этаётганини таъкидлади. Меҳмон стратегик шериклик даражасига кўтарилган Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги муносабатларнинг изчил ривожланиб бораётганига алоҳида эътибор қаратди.

Корея Республикаси Миллий ассамблеясининг собиқ спикери Ли Ман-соп ва «Корея — Ўзбекистон» дўстлик ассоциацияси раиси Ким Юн-сик ўз маърузаларида юртдошларимизни Ўзбекистон мустақиллиги куни муносабати билан чин дилдан қутлади.

Қабул чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг корейс тилида нашр этилган «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» ҳамда «Ўзбекистон халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» китоблари меҳмонларга тарқатилди. Шунингдек, ўзбек халқининг урф-одат ва анъаналари, мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм ҳам тадбир иштирокчилари эътиборига ҳавола этилди.

«Жаҳон» АА
Сеул

Фракция фаолияти

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ЖАРАЁНИДА

Ўзбекистон ХДП депутатларининг иштирокини кучайтириш, партия электорати манфаатларини қонун йўли билан ҳимоялашга хизмат қилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Фракция аъзолари мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президенти Девонининг Ўзбекистон Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида кўтарилган масалалардан келиб чиқадиган вазифаларни муҳокама этдилар.

— Юртбошимиз мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлимизни чуқур таҳлил қилди, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикерининг ўринбосари, ЎзХДП фракцияси раиси Аслиддин Рустамов. — Барчамиз кўриб, гувоҳи, бевосита иштирокчиси бўлиб турибмизки, ўтган давр мобайнида Президентимиз раҳбарлигида юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлиги йўлида улкан ишлар амалга оширилди.

Маърузада ижтимоий масалаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Мамлакат сиёсий кучларининг сўл қаноти бўлган партия депутатлари сифатида бундан ўзимизга тегишли хулосалар чиқариб олишимиз керак. Аввало, жойларга чиққанда қўйилган вазифаларнинг мазмун-моҳиятини сайловчиларимиз, электоратимизга тушунтириш, қонунчилик фаолиятимизда ҳам тегишли йўналишлар бўйича ташаббускорликни ошириш бизнинг бурчимиздир.

Латиф ҒУЛОМОВ, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Кейинги икки йилда Президентимизнинг бевосита ижтимоий соҳага йўналтирилган 32 та фармон ва қарори чиқди.

2-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

Тошкент шаҳрида Сингапур менежментни ривожлантириш институти фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда)

икки ой муддатда Институтни ташкил этиш бўйича таъсис ҳужжатларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

белгиланган тартибда Институтнинг давлат рўйхатига олинишини таъминласин;

2008 йилнинг 1 январигача Институтнинг ташкилий тузилмаси ҳамда штат жадвалини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2008/2009 ўқув йили бошлангунга қадар Институтни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган олий таълим муассасалари учун мажбурий бўлган зарур ўқув-услубий ҳужжатлар билан таъминласин.

8. Ўзбекистон Банклар уюшмаси Институт ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагоглар ва илмий кадрлар малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси билан биргаликда юқори малакали ва истеъдодли ёш олимлар, мутахассислар ҳамда педагогларнинг, кейинчалик Институтга ишлашга жалб этиш учун, танловини ўтказсин ҳамда малака оширишларини ташкил қилсин.

9. Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтига:

ўқитувчилик ва илмий ишлар учун Институтга таклиф қилинган хорижий профессорлар ҳамда ўқитувчиларнинг яшаши ва транспорт харажатлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун ўрнатилган тарифлар бўйича миллий валютада ҳақ тўлашга;

Сингапур менежментни ривожлантириш институти (Сингапур Республикаси) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда кадрларга бўлган талаб-эҳтиёжларни ҳамда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти истиқболларини ҳисобга олиб, таълимнинг янги истиқболли йўналишлари ва ихтисосликларини очишга рухсат берилсин.

10. Институт, жумладан, Институтни жиҳозлаш ва унинг фаолият юритиши учун республикага олиб келинадиган ускуналар, мултимедиа маҳсулотлари, адабиётлар, анжомлар ва моддий-техника ресурсларини олиб киришда 5 йил муддатга барча турдаги солиқлар ва божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) тўлашдан озод қилинсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Банклар уюшмаси ва Институтнинг қўшма буюртманомалари бўйича таълим жараёнида қатнашувчи чет эл ўқитувчилари ва экспертларга, шунингдек Институтнинг хорижий абитуриентлари ва талабаларига консуллик йиғимлари ундирилмасдан кириш визалари берилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Банклар уюшмаси ва Институтнинг қўшма буюртманомалари бўйича таълим жараёнида қатнашувчи чет эл ўқитувчилари ва экспертлари учун, шунингдек Институтнинг хорижий абитуриентлари ва талабалари учун давлат божи тўланмасдан кўп марталик визалар узайтирилиши ва берилишини, вақтинча рўйхатдан ўтказилиши ва унинг муддати узайтирилишини таъминласин.

13. Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти қуйидаги манзилда жойлаштирилсин: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги проспекти, 28-уй.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Тошкент шаҳар, Халқлар дўстлиги проспекти, 28-уй манзилида жойлашган Фуқаролик ҳимояси институтининг бино ва иншоотларини баланс қиймати бўйича Ўзбекистон Банклар уюшмасига кейинчалик уларни белгиланган тартибда Институт балансига ўтказиш шарти билан сотсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги мазкур бандда кўрсатилган бинолар ва иншоотларга нисбатан мулкий ҳуқуқларини расмийлаштиришда Институтга ёрдам берсин.

14. Маълумот учун қабул қилинсинки, Институт балансига топшириладиган бинолар ҳамда иншоотларни реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш, унинг моддий-техника ва ўқув-услубий базасини жиҳозлаш Ўзбекистон Банклар уюшмасининг улуш иштирокида Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг (Сингапур Республикаси) маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Банклар уюшмаси Сингапур менежментни ривожлантириш институти (Сингапур Республикаси), Ўзбекистон Республикаси «Даврархитектқурилиш» қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда зарур лойиҳа-смета ҳужжатлари ўз вақтида тайёрланишини, Институтни жойлаштириш учун берилаётган бино ва иншоотлар реконструкция қилиниши ҳамда мукаммал таъмирланишини, шунингдек ўқитувчилар ва талабалар яшаши учун ётоқхона тайёрланишини, уларнинг зарур ўқув ускуналари, компьютер техникаси ва кутубхона фонди билан жиҳозланишини, Институтнинг бутун комплекси 2008/2009 ўқув йили бошлангунгача ишга туширилишини таъминласин.

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Институтни белгиланган тартибда зарур турдаги телефон ва телекоммуникация алоқалари, шу жумладан ҳукумат телефон алоқаси билан таъминласин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С.Азимов ва Р.С.Қосимов зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 5 сентябрь

«Ўз элим — Қорақалпоғим омон бўлсин, ўз қалъам — Нукусим дунё тургунча турсин...»

НУКУС — ЮРТИМИЗНИНГ

Барчамизга чексиз қувонч ва ифтихор туйғуларини бахш этган мамлакатимизнинг энг улуғ байрами — мустақиллигимизнинг 16 йиллик байрамини тантанали кутиб олдик. Зеро, ана шу қисқа давр ичида, яъни, Истиқлол йилларида Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти — Нукус шаҳрида ҳам беқиёс ўзгаришлар рўй берди. Таъбир жоиз бўлса, юртимизнинг Оролбўйидаги бу шимолий кенти эндиликда йирик илм-фан, маданият ва санъат марказига айланди.

— ...Ўн олти йил ичида Юртбошимиз ташаббуси ва таклифи асосида кўплаб тарихий ишлар амалга оширилди. Нукусда саноат корхоналарининг янги-янги турлари вужудга келди ва маҳсулот турлари кўпайди, — деб ҳикоя қилади **шаҳар ҳокими, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати Жалғасбой Бердиханов.** — Айниқса, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида ибратли ишлар амалга оширилди. Транспорт хизмати яхшиланди. Кўчалар, йўлаклар таъмир этилди, равонлаштирилди. Хиёбонлар, маданият ва истироҳат боғлари ободонлашди. Янги-янги йўналишдаги темир йўл ва автомагистрал тармоқлари қурилди. Муҳташам кўприклар барпо этилди. Халқаро андозадаги аэропортимизга ҳамма ҳавас билан қарайдиган бўлди...

— Аҳолига савдо, умумий овқатланиш, транспорт ва коммунал хизмат турларини кўпайтириш ҳамда сифатини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишларимиз ҳам оз эмас, — сўзида давом этди у. — «Айдин жол» буюм бозоримиз ишга тушиб, бугунги кунда у бутун мамлакатимиз харидорлари билан гавжум. Марказий деҳқон бозори замонавий услубда таъмирдан чиқди. Мингдан ортиқ савдо дўконлари, 160 га яқин умумий овқатланиш тармоқлари, 200 дан зиёд маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари аҳоли хизматида. Шаҳарда илк бор троллейбус қатнови йўлга қўйилди. Боя айтдим, аэропорт, темир йўл вокзали, авто вокзаллар қайта таъмирланди. Бугунги кунда аҳоли Нукус — Тошкент, Нукус — Кўнғирот, Нукус — Олма-ота йўналишлари бўйлаб темир йўл қатновидан, Нукус — Тошкент, Нукус — Москва каби қатор авиарейслардан кенг фойдаланмоқдалар. Шунингдек, Ўзбекистоннинг барча йўналишлари бўйича автомобиль хизмати йўлга қўйилди.

Япония ҳукумати билан ҳамкорликда амалга оширилган лойиҳа асосида қурилган алоқа хизмати орқали бугун шаҳар аҳолиси ўз уйларида туриб дунёнинг барча шаҳарлари билан сим орқали (арзон нархларда) уланиш имконига эга бўлдилар. Шунингдек, аҳолига электрон почта ва интернет хизмати йўлга қўйилди. «Ўздунробита», «Юнител», «Коском» ва бошқа корхоналарнинг уяли телефонларидан фойдаланиш даражаси кун сайин ўсиб бормоқда.

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида Туямўйин — Нукус сув ўтказгич иншооти хизмат кўрсатмоқда. Сув тозалаш иншооти қайта таъмирланиб, тоза сув етказиб бериш ҳажми бирмунча ортди.



ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ: Шаҳар аҳолиси 264 минг киши атрофида. Сатҳи 230 квадрат километрдан ортиқ. 4 та посёлка ва 40 га яқин маҳалла мавжуд. 30 дан зиёд саноат ҳамда кўплаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари ишлаб турибди. Қурилиш-монтаж ташкилотларининг ўзи 50 дан зиёд.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлими, ўнлаб илмий муассасалар, давлат университети, педагогика институти, олий тиббиёт ўқув даргоҳи, Тошкент давлат аграр университети филиали, 50 дан ортиқ мактаблар, коллежлар, лицейлар фаолият кўрсатмоқда...

Шошилинч тиббий ёрдам маркази, Акушерлик ва гинекология институтининг Нукус филиали, ихтисослашган болалар шифохонаси, қатор стадионлар, спорт заллари, болалар спорт мактаблари, теннис кортлари, сузиш ҳавзалари, театр ва кинотеатрлар — ҳамма-ҳаммаси шаҳарда Мустақиллик йиллари рўй берган бунёдкорона ўзгаришлар туфайлидир.

ЗАМОНАВИЙ ШИФО МАСКАНИ

Термиз туманидаги «Паттакесар» қишлоғида барча қулайликларга эга янги қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди.

«Термизсаноатбетон» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари бунёд этган замонавий тиббий муассасада даволаниш ва муолажа олиш учун барча шароит яратилган. Аёллар маслаҳатхонаси ҳамда физиотерапия бўлимлари хориж тиббий ускуналари билан жиҳозланган. Бу ерда 15 нафар тиббиёт ходими 3 мингдан ортиқ аҳолига малакали хизмат кўрсатмоқда.

— Кўз олдимизда шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси ўзгариб, гўзаллашиб бормоқда, — дейди меҳнат фахрийси Эргаш Сариев. — Туман марказидан олисда жойлашган қишлоғимизда бундай даво масканининг ишга туширилиши биз — кексалар учун айниқса қувончли воқеа бўлди.

Х. МАМАТРАЙИМОВ,
ЎзА мухбири.

Фракция фаолияти

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ЖАРАЁНИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Буларнинг ҳар бири замирида олижаноб мақсадлар ётибди. Шундан ҳам мамлакат раҳбарияти фуқаролар манфаатлари учун қанчалик жон қуйдираётганини англаш мумкин. Аммо ушбу ҳужжатларнинг жойлардаги ижроси қандай бўлаяпти? Бу ерда биз ўз позициямиздан келиб чиқиб, унинг жамоатчилик назоратида янада кенгроқ янада кенгроқ иштирок этишимиз лозим. Бу борада Қонунчилик палатаси, маҳаллий вакиллик ҳокимиятидаги депутатларимиз, партия сайланма органлари аъзоларининг ҳамкорлигини тизимли равишда ва изчил йўлга қўйиш юқори самара беради, деб ҳисоблайман.

Президентимиз маърузасидан келиб чиқиб, партия ташкилотлари томонидан олиб бориладиган тадбирлар режасини ишлаб чиқдик. Уларнинг ўз вақтида амалга оширилишида фракциянинг ўз ўрни бўлиши керак. Бу айни чоғда юқоридаги ҳамкорликни кучайтиришга ҳам хизмат қилади.

Нурдинжон ИСМОИЛОВ, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси:

— Мустақилликни қўлга киритганимиздан сўнг мамлакатимизда сиёсий жараёнларни ривожлантириш, фуқароларнинг эркинликларини кафолатлаш борасида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилди. Аҳолининг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида кенгроқ, фаолроқ иштирок этиши учун шароитлар яратилди. Юртбошимиз маърузасида бунинг сабаблари ва самараси аниқ мисоллар билан кўрсатиб берилди.

Яна бир масала. Фракциямиз ва унинг аъзоларининг ушбу маърузадан келиб чиқадиган вазифалари нималардан иборат бўлади? Айни пайтда қуйи палатада қонунлар лойиҳалари устида ишлашда асосий вазифани қўмиталар бажаради. Лойиҳа биринчи ўқишга тайёрланаётган вақтдагина фракциялар у билан танишади. Қонун ижодкорлиги жараёнида фракциямизнинг ролини кескин кучайтириш зарур. Керак бўлса, қонун лойиҳаси тайёрлаётган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъект олдиндан келиб фракциямиз билан маслаҳатлашсин, фикрлашсин. Қонунчилик жараёнидаги иштирокимизни яна бир бор кўриб чиқиш юзасидан айрим таклифларимни ҳам ўртага ташламоқчиман.

Биринчидан, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектлар билан ҳамкорликни кучайтириш, олимлар, мутахассислар, давлат ва партиямизнинг ижтимоий ҳамкорлари бўлган жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида фракциянинг маълум масалаларга бағишланган йиғилишларини кўпроқ ўтказиш, иккинчидан, палата ялпи йиғилишларида позициямизни якдиллик билан ҳимоя қилишни янада такомиллаштириш, учинчидан, депутатлар ваколатларидан фойдаланиб, электоратимиз манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик ташаббуслари билан чиқишни изчил йўлга қўйиш лозим, деб ҳисоблайман.

Шунингдек, фракция аъзолари Гулистон Аннақиличева, Боймурод Юсупов, Анвар Шукуров ва бошқалар ҳам бу борада ўз мулоҳазаларини билдирдилар. Шундан сўнг йиғилиш кун тартибидаги бошқа масалаларни кўриб чиқишга ўтилди. «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида», «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида», «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 19,34 ва 71-моддаларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари муҳокама қилинди.

Депутатлар ушбу қонунлар лойиҳалари ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирларини такомиллаштириш, ижтимоий инфратузилма объектларини ногиронлар эҳтиёжларига мослаштиришда мутасадди ташкилотларнинг масъулиятини кучайтириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чораларини янада кенгайтириш учун «транспорт терминаллари» соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг ҳуқуқий нормаларини кучайтириши лозимлигига эътибор қаратдилар.

Солиқ кодексига киритилаётган ўзгартишлар мамлакатимизда солиқ тизимини ислоҳ қилиш мақсадида тиҳорат банкларида қўшимча ресурс базасининг яратилиши, жалб қилинаётган хорижий молия институтлари кредит линияларининг ҳажми кўпайишига хизмат қилиши ҳамда айрим қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги ҳамда бошқа қатор қонунларни янада такомиллаштиришга қаратилганлиги қайд этилди. Лойиҳалардаги камчиликлар, ноаниқликлар кўрсатиб берилди.

Муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари белгилаб олинди.

Беҳзод ШУКУРОВ.
Козим ЎЛМАСОВ
олган суратлар.

ДЕПУТАТ ЎҚУВЧИЛАР БИЛАН

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИНИНГ ИЛК ДАРСИНИ ЎТКАЗДИ

Янги ўқув йили ҳам бошланди. Илм толибларининг биринчи сабоғи эса албатта, Мустақиллик дарсидир.

Самарқанд шаҳридаги 66-мактаб ўқувчилари янги ўқув йилини янги бинода, байрам қайфиятида бошлашди. ЎзХДПдан халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши депутати Примқул Собиров мактабда ўтказилган «Мустақиллик — бебаҳо бойлигимиз» мавзуидаги дастлабки ўқув машғулотини олиб борди.

Машғулот жараёнида депутат мустақиллик йилларида мамлакатимизда қўлга киритилган муваффақиятлар, амалга оширилаётган улкан бунёдкорона ишлар, таълим соҳасига берилаётган катта эътибор, келгусидаги режалар ҳақида ҳаётий мисоллар орқали батафсил гапириб берди.

— Истиқлол — халқимиз асрий орзулари, курашлари маҳсулидир, — деди у. — Бундай муқаддас тушунча, бебаҳо бойликнинг қадри ғоят юксак. Келажак — сиз азиз ёшлар қўлида. Шундай экан, сизлардан астойдил билим олиш ва мустақиллигимизни эъзозлаш, асраш, мустаҳкамлаш талаб этилади. Сиз қанча кучли, билимли, доно ва зукко бўлсангиз, она-Ватанимиз шунчалик гўзал, қудратли халқимиз фаровон, келажагимиз ёруғ бўлади.

Ўқувчилар ва депутат ўртасидаги савол-жавоблар ғоят қизғин бўлди.

— Ўзбекистон ХДП фаолларининг Мустақиллигимиз 16 йиллиги ва билимлар куни муносабати билан ўтказилаётган Мустақиллик дарси машғулотларида партия фаолларининг иштирок этиши бўйича ташаббуси бизни жуда қувонтирди, — дейди мактаб директори Мехри Шукурова. — Мактабимиз вилоятда биология фанини чуқур ўзлаштирувчи таянч мактабларидан ҳисобланади. Ҳозир бу ерда 500 га яқин ўқувчи таълим олаяпти. Бугунги дарсдан нафақат ўқувчиларимиз балки, биз педагоглар ҳам кўп нарсаларни ўрғандик.

ЎзХДП аъзолари ва партиядан сайланган депутатлар вилоятдаги кўплаб мактаблар ва ўқув муассасаларида бўлишиб, Мустақиллик дарсларида иштирок этишди. Уларда ёшларга яратилган шарт-шароитлар, улар олдида турган вазифалар хусусида фикр юритилди.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратда: *вилоят Кенгаши депутати П.Собиров ўқувчилар даврасида.*

Ҳусан ТЎҒИЗОВ
олган суратлар.

«ИСТИҚЛОЛ 16 ЁШДА, МЕН 16 ЁШДАМАН»

Наманган шаҳридаги Хотира мажмуасида 16 ёшга тўлган ёшларга фуқаролик паспортини топширишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Маросим Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишдан бошланди. Унда маҳаллий ҳокимлик вакиллари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, депутатлар, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари вакиллари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчилари иштирок этди. Тадбирни Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши раисининг ўринбосари, вилоят маънавият тарғибот маркази раҳбари Зиёвиддин Мансуров бошқарди.

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси Наманган вилоят кенгашининг вилоят Ички ишлар бошқармаси билан ҳамкорликда вояга етган ёшларга фуқаролик паспортини тантанали суратда топшириш ҳақидаги ташаббуси мамлакатимиз бўйлаб оммалашаётгани бежиз эмас. Бу биринчидан, давлатимиз паспортига бўлган юксак муносабат ифодаси бўлса, иккинчидан, ёшларда келажакка ишонч туйғусини мустаҳкамлашга, уларнинг шахс сифатида ўз ҳуқуқ-бурчларини янада теранроқ англашларига хизмат қилади, — дея таъкидлади вилоят ҳокими Икромхон Нажмиддинов ўз табрик сўзида.

Шундан сўнг Истиқлол тенгдоши бўлган 137 нафар йигит-қизга фуқаролик паспорти ва эсдалик совғалари топширилди.

Ёшлар номидан сўзга чиққан Учқўрғон туманидаги Қайқи озиқ-овқат ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи талабаси Шаҳноза Азизова, Наманган санъат коллежи талабаси Қобилжон Иброҳимов ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик учун миннатдорчилик билдириб, ўзларининг келгусидаги орзу-мақсадларини баён этдилар.

ХДП вилоят кенгашининг ташаббуси бу гал «Камолот» ЁИҲ, «Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлими томонидан ҳам қизғин қўллаб-қувватланди. Бу тадбир ибратли ташаббус эканлигининг эътироф этилиши жойлардаги ХДП ташкилотлари ва «Истиқбол» ёшлар қаноти фаолияти учун рағбат бўлди.

Дарҳақиқат, фуқаролик паспорти мустақиллик тенгдошлари зиммасига катта масъулият юклайди. Истиқлолимиз шу азиз ёшлар камоли билан ўз қудратини янада юксак тарзда намоён этади.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ШИМОЛИЙ БЎСАҒАСИ

Табиий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш мақсадида газдан фойдаланувчи барча истеъмолчилар хонадонларига ҳисоблагичлар тўла ўрнатилиб бўлинди. Ичимлик сув ва электр энергиясининг электрон ҳисоблагич қурилмалари ўрнатиш ишлари ҳам поёнига етмоқда. Кўрилган бу каби чора-тадбирлар туфайли аҳолининг марказлаштирилган табиий газдан фойдаланиш даражаси 99 фоизга, ичимлик сувдан фойдаланиш даражаси эса 92 фоизга етди. Хорижий инвестициялар ҳисобидан коммуникация тармоқларининг хизмат кўрсатиш даражаси яхшиланди. Америка, Туркия, Россия, Қозоғистон, Голландия, Италия, Швейцария ва бошқа давлатлар билан ҳамкорликда ҳозир 20 дан зиёд қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Ҳар йили ўрта ҳисобда 25-26 млн. АҚШ доллари миқдорида экспорт-импорт операциялари олиб борилмоқда. «ЎзДЭУ авто» ҳиссадорлик жамияти автомашиналар сотиш ва уларга техник хизмат кўрсатишга ихтисослашган «Нукуссавдо» МЧЖда йилига 2 минг дона автомобилга техник хизмат кўрсатиш имкони бор.

Бугунги кунда шаҳардаги давлат тасарруфидаги барча корхоналар деярли хусусийлаштирилиб, ўз эгаларини топди. Улар билан бирга 3000 дан ортиқ кичик корхоналар ва микрофирмалар ҳам янгидан фаолият бошлашди. Мазкур қувватларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар йили ўрта ҳисобда банк ва бошқа жамғармалар ҳисобидан 4-5 млрд. сўм атрофида кредит линиялари очилмоқда. 1,5 минг нафардан ортиқ фуқароларимиз якка тадбиркорлик билан шуғулланишяпти.

Мустақилликка шаҳарда атиги 2 тагина банк фаолият кўрсатган бўлса, бугунги кунда жаҳон талабларига тўла жавоб берадиган, ўз замонавий биноларига эга 10 та республика банк бўлимлари ишлаб турибди. Мустақиллик йилларида Марказий банк, Пахта банк, Миллий банк, Ипотека банки, Халқ банки, Микрокредит банк бинолари янгидан қуриб битказилди...»

Ҳоким Мустақиллик йиллари шаҳардаги бетакрор ўзгаришлар ҳақида тўлиб-тошиб ва узоқ гапирди. Дарвоқе, бу ерда Кадрлар тайёрлаш Давлат дастури бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (1998 йил 23 сентябрь, 2001 йил 14 август, 2003 йил 29 октябрь) қарорларига кўра янги қурилиш ва капитал реконструкция ҳисобидан 19 та касб-ҳунар коллежлари, янги қурилишлар ҳисобидан 5 та академик лицейлар барвақт фойдаланишга топширилди. Бугунги кунда бу касб-ҳунар коллежларида 25,5 мингдан зиёд ўқувчилар касб-ҳунар сирларини ўрганмоқда, академик лицейларда эса 4 мингдан зиёд ёшлар чуқур билим олмоқдалар.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ижроси йўлида шаҳардаги 43 та умумтаълим мактабларидан 7 таси капитал реконструкция қилинди. 13 таси капитал таъмирдан чиқди. 630 ўқувчи ўринга эга 42-мактаб, 360 ўринли футбол интернати ва 4-мактаб-интернат янгидан қурилди. Шунингдек, 10-мактаб-интернат ва «Прогресс ўқув маркази» капитал реконструкция қилинди.

Давлатимизни дунёга танитишда ва ёшларимизни соғлом, бақувват қилиб тарбиялашда спорт, жумладан болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Янгидан «Олимпия захиралари» ва «Спорт» коллежлари, «Спорт манежи», очиқ ва ёпиқ теннис кортлари сингари кўплаб спорт иншоотлари, майдонлар, майдончалар ишга туширилди. Уларнинг самараси ўлароқ, шаҳарда Еркин Кутыбаев, Низаматдин Хожабаев, Азамат Ешетаев, Нодира Казакова каби ўнлаб спортчилар жаҳон чемпионлари бўлишди.

Илм-фан, маданият соҳасини ривожлантиришга, халқимизнинг эски удумларини қайта тикланишига айниқса, катта эътибор бериляпти. Савицкий номли музей экспонатларни жойлаштириш ва сақлашда катта қулайликларга эга янги бинога кўчиб ўтди. «Халқлар дўстлиги», «Улуғбек», «Мустақиллик майдонлари» барпо этилди. Бердақ номидаги музей ташкил этилиб, шу номдаги театр қайта реконструкция қилинди.

Бугунги кунда шаҳарда 21 та қўшма корхона бўлиб, уларда банд одамлар сони 482 нафарни, улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми эса қарийб 12,2 млрд. сўмни ташкил этмоқда.

Шаҳарда ҳозир 3690 та хўжалик юритувчи субъектларнинг 3151 таси (яъни 86 фоизи)ни кичик бизнес субъектлари ва микрофирмалар ташкил этиб, уларнинг ишлаб чиқариш, қурилиш, савдо ва хизматлар кўрсатиш кўламидаги улуши йил сайин ортиб бормоқда. Шунингдек, ҳар йили ўртача 600-620 та кичик бизнес субъектлари янгидан давлат рўйхатига олиняпти.

Шу йилнинг биринчи ярим йиллигида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан саноатда — 178 фоиз, чакана савдо айланмасида — 106, пуллик хизматлар кўрсатишда — 163 фоиз ўсишга эришилди. Экспорт ҳажми 17,2 млн, импорт ҳажми 3,9 млн АҚШ долларини ташкил этди. Аҳолининг даромади ўртача 177 минг сўмдан — 219 минг сўмгача, ўртача ойлик иш ҳақи 89 минг сўмдан 181 минг сўмгача ўсди. Янгидан 2102 та иш ўринлари яратилди. Одамларнинг 91 минг нафари халқ хўжалиги тармоқларида банд. 160 киши йирик саноат корхоналари билан кооперация асосида меҳнатнинг касаначилик турини танлашди. 99,7 фоиз аҳоли марказлаштирилган табиий газ, 87,9 фоизи эса марказлаштирилган ичимлик суви билан таъминланган.

Яна бир эътиборли жиҳати: бугунги кунда Нукус аҳолисининг 65 фоизи 25 ёшгача бўлган ёш йигит-қизлардир. Шу рақамнинг ўзиёқ шаҳарнинг келажагидан, унинг бўлғуси имкониятларидан ёрқин дарак бериб турибди. Бундай мисолларни, яна кўплаб келтириш мумкин.

Мустақил ўлкамизнинг шимолий бўсағаси — Нукус ҳақидаги ушбу битигимиз хотимасини Қорақалпоқ Халқ шоираси Гулистон Матёқубованинг фарзандлик меҳри-ла фахр билан айтган тўрт сатр шеъри билан якунлашни жоиз билдик:

Юртим, сенга меҳрим айтсам,
Қалбда қўшиқ, достоним бор.
Яшнаб турган Осиёда,
Нукус боғу бўстоним бор...

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
Номоз САЪДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

АҲОЛИ МАНФААТИ ЙЎЛИДА

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Навоий вилоят бўлимининг тиббий-ижтимоий патронаж бригадаси барча шаҳар ва қишлоқларда аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари вакилларини тиббий кўрикдан ўтказмоқда. Кам таъминланган оилаларга, ногиронларга, қаровга муҳтож кексаларга дори-дармонлар, гигиена воситалари тарқатилмоқда.

— Мустақиллик байрами кунлари Конимех, Нурота, Томди, Учқудуқ туманларида бўлдик, — дейди жамғарма директори Баҳора Ҳамдамова. — «Биз — мустақиллик фарзандларимиз» номи остида маданий ва спорт тадбирлари, «Йод танқислиги», «Соғлом турмуш тарзи», «Репродуктив саломатлик» мавзуларида давра суҳбатлари ташкил этдик. Айни пайтда бошқа туманларда ҳам аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиб, тиббий маданиятни оширишга хизмат қилувчи тадбирларни давом эттирмоқдамиз.

Ёрқул УМАР,
ЎзА мухбири.

Банк ва мижоз

ОДАМЛАР БИЛАН ҲАМНАФАС

«МИКРОКРЕДИТБАНК» АТБ БУХОРО ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ ФАОЛИЯТИДАН

Олот туманидаги Гулистон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи хусусий тадбиркор Гулширин Қувватова кўп йиллардан буён тикувчилик цехи очишни орзу қилиб юрарди. Лекин бунинг учун маблағ топиш муаммо бўлиб турарди.

— Ўтган йили «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки ташкил этилганлигини эшитиб қолдим, — деди Гулширин Қувватова. — Дарров банкнинг Бухоро вилоят бошқармасининг Олот туман филиалига мурожаат қилдим. Барака топкур банк ходимлари ҳужжатларни тезда расмийлаштириб беришди. Қиска муддатда менга 621 минг сўм имтиёзли микрокредит ажратишди. Бу менга қанот бахш этди. Берилган кредит эвазига қатор тикув машиналари сотиб олдим. Айни пайтда турли кийим-кечаклар тикяпмиз. Маҳсулотларимиз энг замонавий русумда бўлгани учун харидоргир. Устига-устак маҳалла қизларига ҳам тикувчилик касбини ўргатяпмиз.

«Микрокредитбанк»нинг Бухоро вилоят филиали фаолиятида бундай мисоллар талайгина. Энг муҳими, бу ерда микросармоялар чинакам ишбилармон ва тадбиркорлар қўлига тегмоқда. Бу ишнинг натижалари ҳақида банк мутахассислари ҳикоя қиладилар:

Асрор Раҳмонов, «Микрокредитбанк» АТБ Бухоро вилоят бошқармаси бошлиғи:

— Микрокредитлар вилоятнинг барча туманларига, айниқса, чекка қишлоқларгача кириб бориши, қолаверса микросармоялардан аҳолининг кенг қатламлари фойдаланиши учун кўпгина жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. Асосий эътибор «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастури талабларини бажариш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш оилаларни, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадидаги Фармонлари, шунингдек, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш билан янги иш ўринларини яратишга қаратиляпти.

Вилоятдаги Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси, Ногиронлар ва кўзи ожизлар жамиятлари, «Тадбиркор аёл» уюшмалари билан ҳамкорликда белгиланган дастур асосида барча туманларда семинарлар ўтказиб, микрокредит турлари, фоиз тўловларини қайтариш муддатлари тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Бунинг натижаси ўлароқ мингдан ортиқ фуқаро банкда ўз ҳисоб рақамларини очди.

Бугунги кунда ажратилган микрокредитлар 2 млрд. 716 млн. сўмни ташкил қилиб, жорий йилнинг олти ойида 430 та мижозга 1 млрд. 211 млн. сўм микрокредитлар ажратилди. Шундан бошланғич сармояни шакллантириш учун 237 та мижозга 213,6 млн. сўм, бизнесни ривожлантириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун 174 та мижозга 714 млн. сўм ажратилди ва 19 та мижозга 283, 7 млн. сўм миқдорида микролизинг хизматлари кўрсатилди. Натижада 2422 та янги ишчи ўринлари яратилди.

Микромолиялаш жараёнида тадбиркор аёлларга, ёш оилаларга ва сервис соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорларга микрокредитлар ажратишга катта эътибор берилмоқда. Айниқса маиший хизмат кўрсатиш соҳасида (тикувчилик, зардўзлик ва патдўзлик, сартарошлик) фаолият кўрсатаётган аёл тадбиркорларга микрокредитлар ажратилди. Жумладан, 94 тадбиркор аёлга 324,2 млн. сўм, 129 ёш оилага 143,8 млн. сўм 82 та сервис соҳаси вакилига 86,4 млн. сўм микрокредит берилди.

Комил Бобоев, Микрокредит ва микролизинг бўлими бошлиғи:

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг моҳияти тўғрисида барча туманларда учрашувлар ўтказилиб, 204,4 млн. сўмлик кредитлар ажратилди. Мисол учун Когон туманидан Элдор Ҳайдаров ёш оилаларга ажратиладиган кредитдан фойдаланиб, мебель олиш учун 3,5 млн. сўм, Жондор туманидан Талант Сирожев эса маиший техника учун 3,2 млн. сўм кредит олиб, ўз уйларини жиҳозлашди.

Вилоятнинг чекка туманларидаги ишбилармонларга қулайлик яратиш мақсадида Қоровулбозор, Қорақўл, Олот ва Вобкент туманларида «Микрокредитбанк» минибанклари ташкил этилиб, аҳолининг банк хизматларидан тўла фойдаланиши учун кенг имкониятлар яратилди.

Кредитлар асосан ишлаб чиқариш соҳаси (ун тегирмонлари, колбаса ва макарон цехлари, қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, терини қайта ишлаш ускуналари, мини ғишт заводлари), касаначилик ва хизмат кўрсатиш соҳаси (тикув машиналари олиш, зардўзлик ва патдўзликни ривожлантириш, спорт секциялари, сартарошхоналар ташкил қилиш, дурадгорлик асбоб-ускуналари олиш, автомобилларни таъмирлаш, пойабзал тузатиш) ва қишлоқ хўжалиги соҳаларига (чорва моллари олиш, иссиқхоналар ташкил қилиш, асаларичилик ва балиқчиликни ривожлантириш, сув насослари ва қишлоқ хўжалиги техникалари учун эҳтиёт қисмлар олиш ва ҳ.к.) ажратилди. Микролизинг хизмати орқали қишлоқ хўжалик техникаси, тикувчилик ва тўқувчилик ускуналари, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш мини цехлари ташкил қилинди.

Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, Амалиёт бўлими мижози «Гранд Трио Так» хусусий фирмаси банкнинг 24 млн. 800 минг сўмлик микролизинг хизмати эвазига замон талабларига тўла жавоб берувчи тикув дастгоҳлари олиб, ҳозирги пайтда махсус кийим-бош (ички ишлар, ҳарбийлар, солиқ ва прокуратура ходимлари учун) ва аҳоли буюртмаси асосида замонавий кийим-кечак тикишни йўлга қўйган. Ромитан туман бўлими мижози «Ромитан Қўрғон Текст» хусусий корхонаси эса 24 млн. 800 минг сўмлик микролизинг хизматидан фойдаланиб, тўқувчилик дастгоҳлари сотиб олди ва турли хилдаги матолар тўқиб чиқармоқда.

Шу билан бир қаторда Қоровулбозор туманидан Саодат Авезова, Шофиркон туманидан Хуршида Муллаева, Жондор туманидан Дилнавоз Жўраевалар ҳам ушбу фаолият билан шуғулланиш мақсадида ўз туман бўлимларидан микрокредитлар олганлар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, банк ходимлари микрокредитлаш жараёнида асосий эътиборни вилоятнинг барча туманларида ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашга қаратмоқдалар. Жумладан: Ромитан туман Челонғу ҚФЙда жойлашган «Қосим — Беҳруз — Даврон» хусусий корхонаси Ромитан бўлимидан олган 6 млн. сўм кредит эвазига АКҒА эшик ва ромлари ишлаб чиқариш ускуналари сотиб олган, Ғиждувон туман бўлими мижози «Ойбек» фермер хўжалиги банкдан 5 млн. сўм микрокредит олиб, шлакоблок ишлаб чиқаришни йўлга қўйган, Пешку тумани Боғимусо ҚФЙда жойлашган «Баҳром — Рисолат — Азиза» хусусий корхонаси 5,5 млн. сўм микрокредит ҳисобига пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқариш ускунаси харид қилди, шунингдек, Шофиркон бўлими мижози «Исмоил Ҳамро саховати» фермер хўжалиги 6 млн. сўм кредитга макарон ишлаб чиқариш ускунаси сотиб олиб, аҳолига сифатли маҳсулотлар етказиб берянти.

2007 йилда «Ижтимоий ҳимоя йили» дастури талабларини бажариш мақсадида вилоятнинг ҳар бир туманидаги чекка қишлоқларгача микрокредитларнинг кириб бориши, айниқса, касаначилик ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш йўналишлари бўйича фаолият кўрсатмоқчи бўлган аҳолига бошланғич сармояни шакллантириш учун микрокредитлар ажратиш устувор вазифа қилиб белгиланди.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

ИШ ТАШЛАШ ТЎХТАТИЛДИ

Темир йўл, денгиз ва транспорт касаба уюшмалари Буюк Британия пойтахтининг транспорт тизимини «фалаж» қилган Лондон метрополитени хизматчиларининг иш ташлашини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ҳозирча қарор тафсилотлари келтирилганича йўқ, лекин шуниси равшанки, у ҳукумат вакиллари ва касаба уюшмалари ўртасидаги музокаралар чоғида қабул қилинган. Маълумки, душанба куни кечқурун бошланган иш ташлаш 72 соатга мўлжалланган эди. Айтиш керакки, иш ташлаш чоғида Лондон метрополитени станцияларининг 75 фоизи ишламади. Мавжуд 12 та линиядан 10 тасида ҳаракат буткул тўхтаб қолди. Сўнгги 30 йил мобайнида Лондон жамоат транспортида бундай йирик иш ташлаш кузатилмаганди.

«СТС МЕДИА»НИНГ ЯНГИ ХАРИДИ

Россиянинг «СТС Медиа» компанияси Қозоғистон «31-канали» акцияларининг 20 фоизини харид этиш тўғрисидаги битимни тузган. Унинг қиймати 65 миллион долларни ташкил этади. Россия компанияси президенти Александр Роднянский қозоғистонлик ҳамкорлар билан янги сифатли кўнгилочар телевидениени яратамиз, деди.

Эслатиб ўтамиз, 1992 йилдан буён фаолият кўрсатаётган «31-канал» ўз қўлами бўйича Қозоғистонда тўртинчи ўринни эгаллайди. Унинг таркибига 11 та минтақавий компания ва филиал ҳамда 60 та ҳамкор-станция киради. Россиянинг «СТС Медиа» компанияси 1989 йилда ташкил топган, «СТС» ва «Домашний» телеканалларини бошқаради, 560 дан ортиқ ҳамкор станцияга эга.

ТЎФОН КУЧ ТЎПЛАЯПТИ

Кучли «Фитоу» тўфони Япониянинг шарқий соҳиллари сари ҳаракатланмоқда. Мамлакат Метереология бошқармаси хабарига кўра, «Фитоу»нинг тезлиги соатига 160 км.га чиқаяпти. Тропик циклон тобора куч тўплаяпти. Шуни айтиш керакки, бу шу мавсумда Тинч океанида вужудга келган тўққизинчи тўфондир. Ҳозир у Токиодан салкам 1000 км. жануброқдаги Титидзима ороллaридан ўтиб Хонсю ороли томон бораётир.

Интер-спорт

КУРАШ — ҒУРУРИМИЗ, ИФТИХОРИМИЗ

Бугун курашимизнинг халқаро майдонга чиққанига тўққиз йил бўлди. Қисқа даврда кураш бўйича беш марта жаҳон чемпионати ўтказилди. Дунёнинг тўқсонга яқин давлатида кураш миллий федерациялари тузилганининг ўзи бу спортнинг халқаро миқёсда жадал оммавийлашиб бораётганига далил. Дарҳақиқат, ер юзининг беш қитъасида бу ғаройиб спорт турига қизиқиш ортиб бораётир. Буни турли даражада ўтказилаётган нуфузли мусобақалар ҳам тасдиқлайди.

Кеча «Олимпия шон-шуҳрати музейи»да ўтказилган матбуот анжуманида таъкидланганидек, курашни оммалаштириш борасида изчил ҳаракатлар давом этяпти. Шу йилнинг октябрь ойида навбатдаги жаҳон чемпионати Монголияда бўлиб ўтади. Бундан ташқари, қатор халқаро мусобақалар ҳам уюштириш режалаштирилган.

Мухлису мутахассисларнинг орзуси — курашимизни дунёнинг энг нуфузли мусобақаси — Олимпия ўйинлари қаторида кўриш. Беш қитъа полвонларини бирлаштириб, дўстлаштираётган курашимиз бунга муносиб.

Равшан ШОДИЕВ

БИРИНЧИ АСТРОНАВТ

Жанубий Корея мамлакат тарихидаги илк астронавт номзодини маълум қилди. Муҳандис-компьютерчи Ко Сан келаси йилнинг апрелида Россиянинг «Союз» кемасида Халқаро космик станцияга парвоз этади.



АРМИЯ ҚИСҚАРМОҚДА

Молдавияда қуролли кучларни қисқартиришнинг навбатдаги босқичи бошланди. Республика мудофаа вазири Виталий Врабиенинг сўзларига кўра, миллий армиядаги ҳарбийларнинг сони 6,8 мингдан 6,5 минг кишига қадар камайтирилади. Қисқариш аввало мудофаа вазирлиги аппаратида амалга оширилади. Мамлакат қуролли кучларининг муқаддам қисқартирилиши 2004 йилда ўтказилганди. Ўшанда ҳарбийлар сони 7,2 мингдан 6,8 минг кишига қадар камайганди.

ГУМОНДОРЛАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Германияда Франкфурт аэропорти ва Рамштайндаги АҚШ ҳарбий ҳаво базасига ҳужумларни тайёрлашда гумон этилаётган уч эркак ҳибсга олинган. Маълумотларга кўра, ушланганларнинг иккитаси Германиянинг фуқароси бўлса, учинчи шахс Покистон паспортига эга. Reuters агентлигининг таъкидлашича, прокуратура ёки Франкфурт аэропорти вакилларидан бирон бир расмий шарҳ олинмаган.

Хорижий ахборот манбалари асосида тайёрланди.

САРДОР ТАРКИБГА КИРИТИЛМАДИ

Футбол бўйича Германия терма жамоасининг сардори, Лондоннинг «Челси» клуби ярим ҳимоячиси Михаэл Баллак чемпионлар лигаси гуруҳ босқичи учрашувларида иштирок этувчи жамоа таркибига киритилмаган. Маълум бўлишича, у шу йил ёзда тиззасидан жароҳатланиб, операция қилинган ва октябрь ойи охирларида сафга қайтиши кутиляпти. Лекин «Челси» футболчилари бош мураббийи Жозе Моуринью хоҳиши бўйича футболчи барвақт майдонга тушиши ҳам мумкин эмиш.

ОЛДИ-СОТДИГА МИЛЛИАРД САРФЛАНДИ

Англия премьер-лига футбол клублари шу йилги мавсум ўртасида ўтган йилга қараганда ўйинчиларни турли жамоаларга таклиф қилиш бўйича сарфлаган харажатлари олтмиш фоизга кўпайиб кетган. Футболчиларнинг олди-сотдиси учун жами 530 миллион фунт стерлинг (1,07 миллард доллар) сарфланган. Бултур бундай сарф-харажатлар 330 миллион фунт стерлингдан ошмаган эди. Ҳаражатларнинг кўпайиб кетишига учрашувларни телевидение орқали бевосита олиб кўрсатишлар сабаб бўлди», — дейди «Deloitte» тадқиқот гуруҳи вакили Пол Ронсли. — 2007-2008 йил мавсумида телевидение орқали олиб кўрсатишлар бўйича футбол клубларига 300 миллион фунт стерлинг маблағ тушиши кутиляпти.

Муносабат

«ШУ КУНЛАРГА ЕТКАЗГАНИГА ШУКР»

— ДЕЙДИ «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ СОҲИБИ, СУРХОНДАРЁЛИК 102 ЁШЛИ ФОТИМА МОМО ҲАЙДАРОВА.

Халқимиз орасида бежиз пиру бадавлат бобо-ю момоларни улкан чинорларга, азим тоғларга менгзалмайди. Қариси бор уйда ўзгача файз, тароват бўлади. Юзидан нур, қалбидан поклик, дуоларидан шукроналик ёғилгувчи нуронийларимиз ҳаёт экан, оилалар фаровон, дастурхонлар тўкин, Ватанимиз обод бўлаверади.

Истиқлол йилларида кексаларни қадрлаш, асраб-авайлаш, уларни фахрийликда мазмунли ҳаёт кечиришларига кўмаклашиш, эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш борасида жуда катта ишлар амалга оширилди. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида юртимизда аҳолининг умр кўриш даражаси ҳам сезиларли равишда ортди. Маълумотларга кўра, бугун Сурхондарё вилоятида юздан ошган пиру бадавлат отахону онахонлар сафи 100 нафардан зиёдни ташкил этаркан.

Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги арафасида Президентимизнинг Фармони билан кўп йиллар давомида мамлакатимиз равнақи йўлида ҳалол меҳнат қилган, ҳозирги пайтда ҳам бой ҳаёт тажрибаси, маънавий фазилатлари билан эл-юртга ибрат бўлиб, ўғит-насиҳатлари билан ёшлар тарбиясига ўзларининг катта ҳиссасини қўшиб келаётган бир гуруҳ юз ёшдан ошган табаррук кексалар «Шуҳрат» медали билан мукофотланди. Улар орасида Денов туманининг «Чўнтош» маҳалласида истиқомат қилувчи 102 ёшли Фотима момо Ҳайдарова ҳам бор.

— Бу йил тўй устига тўйлар кўп бўлди, — дейди онахон биз билан суҳбатда. — Байрам арафасида Президентимиз биз қарияларни ҳам унутмабдилар. Ўша куни мени табриклаш учун уйимизга қариндош-уруғлар тўпланишди. Бундан қувонмай бўладими? Шу кунларга етказганига шукр. Умрим давомида кўп яхши-ёмон кунларни кўрдим.

Лекин мустақиллик йилларида янгидан туғилгандай бўлдим. Бугунги ёшларга ҳавасим келади. Улар жуда бахтли. Бу ёшларга яхши ўқиб, касб-ҳунар эгаллашлари учун ҳамма шарт-шароит етарли. Камситиш ва қийинчиликни мана биз кўрдик. Илоҳим, биз кўрган кунлар фарзандларимиз бошига тушмасин. Бугунимиз беҳисоб бойлик. Тинчлик, тўкин-сочинлик, ободлик... Инсон учун бундан ортиқ яна нима керак?

Халқимизда бир ҳикмат бор: яхшилик, эзгулик киши умрига зийнат, бағишлайди. Дарҳақиқат, бу хислатлар инсонни кўкларга кўтаради, ҳаёт йўлини ёруғ қилади. Фотима момо ҳам бугун бир умр қилган меҳнатлари, яхшилик йўлидаги заҳматлари мевасини тотмоқда. Унинг ўғлаб невара-чеваралари бугун момонинг ёнида.

Давлатой НОРМАТОВА, момонинг қизи, 84 ёшда:

— Ота-онадан 4 ўғил, 3 қиз жами 7 нафар фарзандмиз. Невара-чевара, эваралар ҳам 200 дан ошиб кетган. Кўпчилиги уйли-жойли, ўзидан тинган... Умр ўтиб кетавераркан. Кечагина қизалоқ эдим. Бугун 84 га чиқибман. Отам билан онам бизга ҳалолликни ўргатишган. Яна улар оиладаги тарбия келажакни белгилайди, деб айтишган. Шундай экан, кичик ватан ҳисобланмиш оилага алоҳида эътибор бериш керак...

Усмон НОРМАТОВ, набира, 58 ёшда:

— Олти нафар фарзандим, ўн нафар набирам бор. Рўзғорда баъзан муаммолар ҳам бўлиб туради. Шунда момом маслаҳат берадилар. Ҳалоллик, яхшилик, ҳавас у кишининг ҳаётдаги шиори ҳисобланади. Ёлғончилик, ҳасад, ғийбатни ёмон кўрадилар. Балки шу хислатлари учун ҳам шу кекса ёшида ҳукуматимизнинг ана шундай мукофотига сазовор бўлгандир.

...Ҳаёт — абадий, йиллар эса ўтаверади. Ўтмишнинг заҳматлари, оғир дамларини бугунги авлодга рўйи-рост, борлигича етказиш барчанинг бурчидир. Бобо ва момоларимизнинг суҳбатлари, гурунглари эса ана шундай бебаҳо бойлик вазифасини ўтайди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ОСИЁ ТЕННИС ЮЛДУЗЛАРИ

Пойтахтимиздаги «Тошкент» теннис марказида ўтаётган навбатдаги қитъа чемпионатида ғолиблик учун кураш қизғин паллага кирди.

Осиё теннис федерациясининг энг нуфузли мазкур мусобақаси юртимизда олтинчи маротаба ўтказилмоқда. Соврин жамғармаси 100000 АҚШ долларини ташкил қилувчи ушбу баҳсларда Ҳиндистон, Эрон, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Қувайт, Қозоғистон сингари йигирмадан ортиқ давлатларнинг ракетка усталари кортга чиқишмоқда.

Маълумки, Осиё чемпионати ғолиблари «Катта дубулға» туркумига кирувчи дунёнинг энг йирик тўрт мусобақасидан бири — Австралия очиқ чемпионатига йўлланмани қўлга киритади. Шу боис теннис ихлосмандлари Тошкент кортларида қитъамизнинг номдор ва кучли ракетка усталари маҳоратидан баҳраманд бўлишаётир. Улар қаторида юртимизнинг Денис Истомин, Важа Узоқов, Ирода Тўлаганова каби моҳир теннисчилари ҳам борлиги қувонарлидир.

Мусобақа ғолиб ва совриндорлари номи 8 сентябрь куни маълум бўлади.

Суратда: мусобақадан лавҳа.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

«01» огоҳлантиради

ҲАЁТИНГИЗНИ ХАВФ ОСТИГА ҚЎЙМАНГ

Бугунги ҳаётимизни газсиз тасаввур қила олмаймиз. Ишлаб чиқариш жараёнларидан тортиб маиший мақсадларгача ундан фойдаланамиз.

Табиий газ кўп тарафлама фойдали бўлгани билан, инсонларнинг озгина эътиборсизликлари ўзларига катта ташвишлар келтириши мумкин.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари профилактика инспекторлари, газ идоралари ходимлари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари билан биргаликда хонадонлар ва иш жойларида, шахсий ошхоналарда ўзбошимчалик билан газ қувурига улаб олган резина шланглларни ва қоидага зид равишда ишлаётган ясама мосламаларни бартараф этиш ва улардан келиб чиқадиган кўнгилсизликларга йўл қўймаслик мақсадида бир қатор тадбирларни ўтказмоқдалар.

Жойларда 418 та гуруҳ тузилиб, улар томонидан бугунги кунга қадар 8269 маротаба рейдлар ўтказилиб, 9028 та кўп қаватли уйлар, 14627 та корхона ва ташкилотлар текшириб чиқилди.

Ўтказилган текширишлар жараёнида 5604 ҳолатда носоз газ ускуналаридан фойдаланиш, 4247 ҳолатда газ мосламаларидан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига зид равишда резина шланглар орқали уланиб олиш, 480 ҳолатда эса табиий газдан ноқонуний фойдаланиш ҳоллари аниқланди.

Ёнғин хавфсизлиги ходимларининг бир неча бор огоҳлантиришларига қарамай камчиликларни ўз вақтида бартараф этмаган ва бундай ҳолатларга лоқайдлик билан қараб, нафақат ўзларини, балки ёнатрофдагиларнинг ҳам ҳаётини хавф остига қўйган фуқаролар ва мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида айнан газ мосламалари, ускуналари ва иситиш печларидан нотўғри фойдаланиш натижасида 1201 та ёнғин содир бўлди. Ёнғинлар натижасида фуқароларга 161 миллион сўм миқдорида моддий зарар етказилган. Энг ачинарлиси, ушбу ёнғинларда 154 нафар фуқаро (31 нафари болалар) тан жароҳати олган бўлса, 15 нафари (2 нафари болалар) бевақт ҳаётдан кўз юмдилар. Газ билан боғлиқ бўлган ёнғинларни таҳлил қиладиган бўлсак, Самарқанд, Наманган, Тошкент ва Фарғона вилоятларида кўпроқ ёнғин содир бўлаётганини кузатиш мумкин.

Шу йил 4 август куни Андижон шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаро З.Қаҳҳоров хонадонида кўнгилсиз воқеа содир бўлди. Уй эгаси ошхонада сўнгги кунларда доим безовта қилаётган газ ҳиди қаердан чиқаётганини билмоқчи бўлиб, гугурт ёқсам, озгина алангаси кўринади, деб ўйлайди. Шу заҳоти хонага тўпланиб турган газ ва ҳаво аралашмаси бир зумда алангаланиб кетади. Олов чангалида қолган уй эгаси 40 фоизли куйиш тан жароҳати билан касалхонага ётқизилди.

Яна бир мисол. 3 август куни Хоразм вилояти Шовот тумани Ш.Мўминов хонадонида қувурдан чиққан газнинг чақнашидан шу ердаги фуқаролар куйиш тан жароҳати олдилар. Ёнғиннинг келиб чиқиш сабаби, хонадондаги эскирган газ ҳисоблагични алмаштириш мақсадида уй эгаси уста чақиради. Усталар эски ҳисоблагич ўрнига янгисини ўрнатиб, қоидага зид равишда газ сизиб чиқиш жойини гугурт ёқиб текшириб кўрмоқчи бўладилар. Шу заҳоти табиий газнинг чақнаши натижасида 2 нафар уста ва уй эгасининг турмуш ўртоғи 50 фоиздан куйиш тан жароҳати олдилар.

Самарқанд вилоятида бўлган воқеа эса янада аянчли. Хонадонда ишлатилмай ётган, муддати ўтган ва мутахассислар томонидан махсус текширувдан ўтмаган газ баллони ёрилиб кетиб, катта босимда газ чиқиб кетади. Натижада бир неча фуқаро куйиш тан жароҳати олиб, касалхонага ётқизилди.

Бундан ташқари, айрим фуқароларимиз ҳовлиларидаги иссиқхонасида ёки новвойхонасида ноқонуний равишда резина шланг орқали газдан фойдаланаётган ҳолатлар ҳам аниқланаётир. Газдан ўғринча фойдаланаётганлар ўзларининг ва яқин қўшниларининг ҳаётини хавф остига қўймоқдалар.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Аммо шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, аксарият ёнғинлар аҳоли турар жойларида содир бўлмоқда. Йиллар давомида катта меҳнат ва маблағ эвазига қурилган уйлар ва молу мулклар саноқли дақиқалар ичида йўқ бўлиб кетиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳар бир фуқаро қоидага риоя қилиши керак. Шундагина кўнгилсиз ҳодисаларнинг олди олинган бўлади.

Даврон ҚАМБАРОВ, ЎзР ИИВ Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси капитани.

АТ «ПАХТА БАНК»

ЮРТИМИЗ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИГА ЭНГ ЗАМОНАВИЙ ТЎЛОВ ВОСИТАСИ БЎЛГАН СЎМ ПЛАСТИК КАРТОЧКАСИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Бугунги кунда республикамиз бўйлаб ўрнатилган 2400 дан зиёд терминаллар орқали «Сўм пластик карточка» билан Сиз ўз ҳисобингиздаги маблағлардан коммунал хизматлар учун тўловларни, барча турдаги солиқлар, почта, телефон, телеграф ва интернет алоқаларидан фойдаланганлик учун тўловларни, йўлкира ва юк ҳақлари (самолёт, поезд, метрополитен)ни, шартнома асосида таълим олаётган талабаларнинг контракт тўловларини амалга оширишингиз мумкин.

Шунингдек, умумий овқатланиш жойлари — ресторан ва кафеларда, маиший хизмат кўрсатиш ва автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаларида, савдо дўконлари ва турғун савдо шохобчаларида ҳисоб-китоб тўловларини пластик карточка орқали нақд пулсиз амалга ошириш имконияти мавжуд. Пластик карт ҳисоб рақамингиздаги қолдиқ маблағингизга кунлик фоиз ҳисобланади ва ҳар ойида капитализация қилинади.

Пластик карт ҳисоб рақамидаги маблағингизни истаган вақтингизда қўпайтириш ёки пластик картангиз ҳисоб рақамидаги маблағни истаган вақтингизда олишингиз мумкин.



ШУ БИЛАН БИРГА АТ «ПАХТА БАНК»

«ЁШ ОИЛАЛАР» ҳамда ўрта махсус ва олий ўқув юртлари **ТАЛАБАЛАРИ** учун имтиёзли пластик картларини таклиф этади! Бунда ушбу пластик карт ҳисоб варағига 18% ва 16% миқдорида даромад тўланади ҳамда у ойлик асосда капитализация қилинади.

Маълум савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида харид этилган маҳсулотларга пластик картлар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб амалга оширилса чегирма (дисконт) берилади.

Бонус лойиҳаси бўйича Сиз савдо шохобчасидан доимий равишда маҳсулот сотиб олсангиз, яъни 10 мартадан ортиқ харид қилсангиз унда тўпланган бонус асосида Сизга ушбу савдо шохобчаси томонидан чегирма берилади.

Агар Сиз пластик картангизга тушган ойлик иш ҳақларингизга ва уларга тенглаштирилган пул маблағларингизга савдо ёки хизмат кўрсатиш шохобчаларида нақд пулсиз харидни амалга оширсангиз банк Сизнинг пластик картангиз ҳисоб варақ қолдиқларига тўланадиган фоиз тўловларига йиллик 4 фоиз ҳисобида қўшимча тўлов билан рағбатлантиради.

«Пахта банк» пластик картлари — энг қулай тўлов воситасидир!

«Пахта банк» фаровонлигингиз калитидир!

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Уй-жойлардан фойдаланиш бошқармаси

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳрида жойлашган 41565-сонли ҳарбий қисм 9-ҳарбий шаҳарчасидаги ҳарбий госпиталнинг қабул бўлимини капитал таъмирлаш.

Иншоотнинг қурилиш мудати — 7 ой.

Иншоотнинг қурилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига ажратилган Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: **Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Уй-жойлардан фойдаланиш бошқармаси.**

Манзили: Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 1-уй.
Тел/факс: 169-05-35, 169-05-39, 169-05-34.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун рухсатнома (лицензия) ва танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси 69-уй, Телефон/факс: (8-37622) 2-44-73, 2-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни очиш куни ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: **Термиз шаҳри, А.Темур кўчаси, 69-уй.**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти жамоаси илмий ишлар бўйича директор ўринбосари Азиза Маҳмудовага онаси **КИМЁХОН** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасининг ижрочи директори Найим Абдураҳимовга онаси **МИСАЛЛАМ** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Abdurasul JUMAQUL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGAŠHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 223-79-98

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 849
8101 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 21.10
Topshirilgan vaqti — 1 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda